I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 4329,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг январь-март ойига нисбатан ўсиш суръати 105,8 фоизга тенг бўлди.

2021 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 113,5 фоизни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот *(ЯҲМ)*–*миллий ҳисоблар асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.*

ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
2021 йил январь-март ойларида

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 104,9 фоиз (умумий улушнинг 34,7 фоизи), саноат – 117,0 фоиз (умумий улушнинг 14,9 фоизи)ни ташкил қилди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		*2020 йил январь-март ойига нисбатан фоиз ҳисобида*
	2021 йил январь-март	*2020 йил январь-март*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**4329,7**	**3608,1**	**105,8**
шу жумладан:			
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4141,0	3465,9	105,5
маҳсулотларга соф солиқлар	188,7	142,2	111,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**4141,0**	**3465,9**	**105,5**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1436,4	1139,1	104,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	**905,7**	**746,8**	**111,7**
саноат	615,6	497,9	117,0
қурилиш	290,1	248,9	101,2
Хизматлар	**1798,9**	**1580,0**	**103,0**
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	327,0	282,3	102,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	319,4	275,7	103,9
бошқа хизмат тармоқлари	1152,5	1022,0	103,1

2021 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири 117,0 фоиз – саноат, 104,9 фоиз – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 66,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2020 йил январь-март ойларида 66,7 фоизни ташкил қилган.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби, % да
(*жамига нисбатан фоизда*)

2020 йил январь-март



2021 йил январь-март



2021 йилнинг январь-март ойларида ЯҲМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасининг улуши 34,7 фоизни ташкил қилди, бу эса 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 1,8 пунктга (32,9 фоиз), саноат (қурилишни қўшган ҳолда)ни улуши 21,9 фоизни ташкил қилиб, 2020 йил январь-март ойларига нисбатан 0,3 пунктга (21,6 фоиз) кўпдир. Хизматлар соҳаси 43,4 фоизни ташкил қилди ва 2,2 пунктга (45,5 фоиз) камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес улуши

(2021 йил январь-март ойлари, жамига нисбатан улуши)



Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Хоразм вилоятининг қўшган ҳиссаси 3,4 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,2 пунктга (3,2 фоиз) кўпдир.

Ялпи ички маҳсулотда Хоразм вилоятининг улуши, *фоизда*



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2283,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,3 фоиз ўсишга эришилди.



Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)



2021 йил январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 43,4 фоиз (2020 йил январь-март ойларида 45,5 фоиз)ни ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 7,9 фоизни (2020 йил январь-март ойларида 8,1 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари – 7,7 фоизни (2020 йил январь-март ойларида 8,0 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 27,8 фоизни (2020 йил январь-март ойларида 29,4 фоиз) ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилояти билан солиштирма макроиқтисодий кўрсаткичлари

(2021 йил январь-март)

	Ўзбекистон Республикаси		*Хоразм вилояти*		*Республикадаги улуши,% да*	
	млрд. сўм	*ўсиш суръати, % да*	*млрд. сўм*	*ўсиш суръати, % да*	*январь-март 2020 й.*	*январь-март 2021 й.*
Ялпи ички маҳсулот (ҳудудий)	128 556,8	103,0	4 329,7	105,8	3,2	3,4
Саноат	91 530,5	103,8	2 455,9	117,0	2,4	2,7
Истеьмол товарлари	27 529,4	102,7	1 351,8	100,4	5,9	4,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	29 891,6	103,1	2 443,4	104,9	7,7	8,2
Инвестициялар	35 592,4	96,5	929,2	102,0	2,4	2,6
Қурилиш ишлари	19 547,4	100,5	653,0	101,2	3,2	3,3
Чакана товар айланмаси	46 738,1	102,8	1 856,2	95,0	4,3	4,0
Хизматлар, жами	60 954,8	105,8	1 888,0	108,6	3,0	3,1
Экспорт (млн. АҚШ долл.)	2 398,1	73,5	49,3	133,1	1,1	2,1
Импорт (млн. АҚШ долл.)	4 707,0	98,7	90,7	152,5	1,2	1,9

2021 йилнинг январь-март ойларида Хоразм вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти 4329,7 млрд. сўмни, республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 3,4 фоизни ташкил қилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоизни ташкил қилди.

2021 йил январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2455,9 млрд. сўмни (республикада саноат маҳсулотларининг 2,7 фоизини) ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, ўсиш суръати 117,0 фоизни ташкил этди. 2021 йил январь-март ойларида вилоятда 1351,8 млрд. сўмлик халқ истеъмол товарлари (республикада халқ истеъмол маҳсулотларининг 4,9 фоизи) ишлаб чиқарилиб, 2020 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 100,7 фоизни ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2443,4 млрд. сўмни (республикада қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши 8,2 фоиз)ни ташкил этиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,9 фоизга етди.

2021 йил январь-март ойларида вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбаалари ҳисобидан 929,2 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар киритилиб, ўсиш суръати 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 102,0 фоизни (республикадаги улуши 2,6 фоиз) ташкил этди.

2021 йил январь-март ойларида 653,0 млрд. сўмлик (республикадаги улуши 3,3 фоиз) қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,2 фоизни ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси 1856,2 млрд. сўмни (республикадаги улуши 4,0 фоиз), ўсиш суръати 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 95,0 фоизни ташкил қилди.

2021 йил январь-март ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 1888,0 млрд. сўмни, (республикадаги улуши 3,1 фоизни) ташкил қилди ва 2020 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш 108,6 фоизни ташкил этди.

Ташқи савдо айланмаси 2021 йилнинг январь-март ойларида 140,1 млн. АҚШ долларини (республикадаги улуши 2,0 фоизни), ўсиш суръати 145,0 фоизни, жумладан: экспорт – 49,3 млн. АҚШ долларини (республикадаги улуши 2,1 фоизни), ўсиш суръати 133,1 фоизни, импорт–152,5 млн. АҚШ долларини (республикадаги улуши 1,9 фоизни), ўсиш суръати 152,5 фоизни ташкил этди.